

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

81 **Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Суғурта соҳасидаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 24-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 19 февраль,
30-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 19 февралдаги 30-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат
томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»
1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
2. Қарорга 2-илова 6-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат инспекциясига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинладиган бошлиқ бошчилик қилади».